

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 18 март, № 53 (5983) Сешанба


## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Нукус шаҳридаги терини қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Orient technology” масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсата бошлаганига уч йил бўлди.*

### Ноёб хом ашёга ишлов берувчи корхона

Лойиҳа қиймати қарийб 11 миллиард сўмлик мазкур қўшма корхона Оролбўйида ноёб хом ашёга ишлов берадиган ягона жамоа ҳисобланади.

— Яқинда Италиядан харид қилинган 75 минг АҚШ долларилик замонавий жиҳоз ёрдамида тери қалинлигини турли ўлчамга келтириш мумкин, — дейди корхона мутасаддиси Илҳом Расулов. — Бундай дастгоҳ соҳадаги сўнгги янгилик бўлиб, у мутлақо чиқитсиз ишлайди. Унинг ёрдамида тери қавати узунасига кесилиб, табиий яримтайёр маҳсулотга айлантирилади.

Қиркдан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётган ушбу корхона томонидан ўтган йили 225,1 минг долларлик маҳсулот экспортга жўнатилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Савдо белгиси маҳсулот сифатини кафолатлайди

*“Honey” савдо белгиси остида қадоқланиб, харидорларга таклиф қилинаётган асал маҳсулотлари кўпчиликнинг эътиборини қозонди.*

Унинг табиийлиги ва мазасига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Наманган туманининг Хонобод қишлоғидаги “Шифобахш баҳор асали” масъулияти чекланган жамиятида дармондорига бой ушбу неъматни бежирим идишларга қадоқлаш йўлга қўйилди.

— Яқинда 201,5 минг АҚШ доллари сарфлаб, модернизациялаш ишларини муваффақиятли тарзда амалга оширдик, — дейди корхона раҳбари Неъматилла Собиров. — Янги технологик ускуналар ёрдамида йилига 10 тоннагача табиий асални қадоқлаш имкониятига эга бўлдик.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Фермер ҳамқишлоқларига дарахт кўчатларини тарқатди

*Ўрта Чирчиқ туманидаги “Асадилла боғи” фермер хўжалиги томонидан Ўртасарой қишлоғидаги 6,5 гектар майдонда ташкил этилган боғ ўтган мавсумда ҳосилга кирди.*

Бундан руҳланган жамоа кўкламнинг ғанимат кунларидан фойдаланиб, мевазорларни янада кенгайтириш ҳаракатида. Фермер Асадилла Исмоилов нафақат янги боғлари, балки етиштираётган мева кўчатлари билан ҳам эътироф қозонмоқда. Чоққина кўчатхонада ҳар йили 2,5 минг донагача 50 турдаги ниҳоллар етиштирилади. Бу мавсумдан узумнинг “Ризамат” ва “Чарос” навлари ҳам кўпайтирила бошланди. Қизиғи, фермер кўчатчилик билан даромад олиш мақсадида шуғулланмайди.

— Мева ҳар кимнинг ўз томорқасидан чиқса, қандай яхши, — дейди у. — Фаровонлик дегани бу. Шу боис ҳар йили баҳорда ўзимиз етиштирган кўчатларни ҳамқишлоқларимизга бепул тарқатамиз. Бу мавсумда ҳам анъанамизни давом эттирдик.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «НАВРЎЗНИ ЯНГИ УЙДА КУТИБ ОЛАМИЗ»

Айём арафасида ангренлик кўплаб ёш оилалар кўркам ва шинам уй-жой соҳиблари бўлдилар.



*Юртимиз узра баҳор нафаси кезиб, Наврўз тафти дилларга хушнудлик улашаётган шу мунаввар кунларда шаҳар ва қишлоқларимизда, маҳаллаларда ободончилик, бунёдкорлик ишлари авжига чиққан. Ҳар бир ҳудудда рўй бераётган бу каби ўзгариш ва янгиланишлар Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган эзгу ислоҳотлар самарасидир.*

ҚУВОНЧ



*— Фарзандимиз Гулнозахон янги уйда камол топишидан жуда хурсандмиз, — дейди Гулҳаё ва Даврон Бегматовлар оиласи.*

Хусусан, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи бўлмиш ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш вазифаси устувор йўналишлардан бирига айланди. Бу борада қабул қилинган давлат дастурлари, ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Куни кеча Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида 65 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйлар калитлари топширилиши ҳам мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ифодасидир. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар ва уларнинг ота-оналари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда мустақиллик йилларида ҳар томонлама кучли ва билимли авлодни тарбиялаш мақсадида олиб борилаётган изчил давлат сиёсати ўзининг юксак самараларини бераётир.

(Давоми 2-бетда).

## Жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашнинг муҳим омили

*Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Қонун лойиҳаси ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларни амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал қилиш ҳамда мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларининг аниқ тартибини белгилаш ҳамда ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган.*

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги шароитда айнан ижтимоий шериклик манфаатлар мувозанатини таъминлаш, ҳокимият органларининг аҳоли билан муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда давлат бошқарувини демократлаштиришнинг самарали шакли ҳисобланади. Маълумки, мазкур қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олимлар, мутахассислар, ҳуқуқшунослар фаол иштирок этишди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида фуқаролик жамияти тараққиётининг замонавий тенденциялари, давлат ва жамият муносабатларининг миллий тажрибаси, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ўз аксини топди. Ижтимоий шерикликнинг субъектлари сифатида давлат органлари билан бир қаторда, бугунги кунда фуқаролик жамияти ўзагини ташкил этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари белгилаб қўйилмоқда. Ижтимоий шерикликда, шу билан бирга, бугунги кунда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, аввало, аҳолининг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтириш, ижтимоий фикрни шакллантиришга кўмаклашадиган ОАВнинг иштироки кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

*12 март куни Ўзбекистон Республикасининг Нидерландия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Норов (қароргоҳи Брюсселда) Нидерландия Қироли Виллем-Александрга Ишонч ёрлиқларини топширди.*

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Нидерландия Қироллиги ўртасида сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий соҳалардаги, шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлик борасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш сиёсий-иқтисодий муносабатларни, шунингдек, маданий, таълим ҳамда сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш учун салоҳиятнинг мавжуд эканлиги қайд этилди.

Нидерландия Қироли Виллем-Александр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ҳамда Ўзбекистон халқига чин дилдан тинчлик-хотиржамлик ва муваффақиятлар тилади.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

*Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган эзгу урф-одатлар ва амаллар истиқлол туфайли тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, мазмун-моҳиятига кўра, бири-бирига яқин Наврўз ва ҳашар, чин маънода, маънавий ҳаётимизнинг узвий қисми сифатида умуммиллий анъанага айланди.*

## Бунёдкорлик, эзгулик ва аҳиллик тимсоли

Ушбу қутлуғ кунларда халқимиз томонидан улкан бунёдкорлик юмушлари рўёбга чиқарилади, шунингдек, маҳаллалар, кўчалар ва хиёбонлар обод қилиниб, кўкаламзорлаштирилади, янги иншоотлар ишга туширилади ҳамда эҳтиёжманд инсонларнинг ҳолидан хабар олиниб, улар маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Президентимизнинг жорий йил 24 февралдаги “2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 мартдаги жорий йилнинг март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 15 март — умумхалқ хайрия ҳашари куни тўғрисидаги фармойиши шу эзгу мақсадларга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Шулардан келиб чиқиб, республикамиз бўйлаб кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 15 март куни бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида халқимизга хос бунёдкорлик, эзгулик ва ҳамжиҳатлик фазилатлари яққол намоён бўлди. Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли туражойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, республикамизнинг барча ҳудудида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўтказилган умумхалқ ҳашари юртимизнинг янада обод ва файзли бўлишига хизмат қилди.

(Давоми 2-бетда).





«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг

**Сиёсий партиялар ва Ҳисоб палатасининг ҳисоботлари тингланди**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2013 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги ҳисоботини кўриб чиқди.

Халқ сўзи Народное слово


БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Бугунги кунда мамлакатимиз ўғил-қизларининг**

**92** **фоизи вазни ва бўйига доир кўрсаткичлар бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.**

Бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган давлат сиёсатининг юксак самараси бўлиб, халқимизнинг соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсади рўёбга чиқаётганидан яққол далолатдир.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги пайтда парламент қуйи палатасининг масъул қўмиталари мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқиш учун тайёрлашмоқда, депутатлик бирлашмалари ва фракцияларда қонун лойиҳаси юзасидан, ўз сайловчилари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли таклифлар ишлаб ошириади, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг конституциявий ҳуқуқларини кенг таъминлайди, аҳолининг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини изчил юксалтириш, жамиятнинг барқарор ривожланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, умумий вазифаларни рўёбга чиқариш учун қўшимча ресурсларни жалб

Бугунги глобаллашув шароитида миллатлараро, маданиятлараро ва фуқаролар ўртасида тотувлик ғоясини мустаҳкамлаш, кўп асрлик маънавий-ахлоқий ва тарихий-маданий қадриятларни асраб-авайлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Шуни қайд этиш керакки, халқимизнинг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлаш ишларига “Ҳунарманд”, органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини, аҳолининг социал фаоллигини, шунингдек, жамоат ташкилотларининг давлат ва жамият бошқарувида тенг шерик сифатида иштирок этиш масъулиятини оширишга қаратилгандир.

Қуйи палата мажлисида ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан алоҳида қайд этилганидек, ижтимоий шериклик институтининг асосий йўналиши аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, атроф-муҳитни асраш, аҳоли саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, илм-фанни, таълим, маданият ва спортни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш каби ғоят муҳим масалалар билан аҳамиятлидир.

# ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

чиқиш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу таклифлар қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилишда кўриб чиқилади.

Қонун лойиҳаси концепцияси хусусида мамлакатимиз парламенти қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Р. АСҚАРОВ,**
**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасида акс этган ижтимоий шериклик механизмлари муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурлар ижросида давлат ва жамият ҳамкорлигининг самарадорлигини таъминлайди. Унинг қабул қилиниши демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият муносабатларини мустаҳкамлаш, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш учун қулай шарт-шароит яратади. Қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши имкониятларини янада қилиш, жамият саъй-ҳаракатини ягона мақсад йўлида бирлаштиришга замин яратади.

**У. ЖАЛМЕНОВ,**
**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Ижтимоий шериклик институти халқимизнинг менталитети ва руҳига уйғундир. Мазкур қонун лойиҳасида аҳоли турли қатламлари вакилларининг фикрлари инобатга олинган. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар жараёнида жамоатчилик манфаатларини инобатга олишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Қонун лойиҳасини фракциямизда кўриб чиқишда шу нарса қайд этилдики, қонун лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқишда жамоатчиликнинг иштироки кўзда тутилмоқда. Чунки биз айнан қонунлар билан турмушимиздаги муносабатларни тартибга соламиз, уларни рўёбга чиқариш учун турли дастурларни амалга оширамиз. Дастурларни ишлаб чиқишда фуқароларнинг фаол иштирок этиши эса аҳоли манфаатларини ҳар томонлама инобатга олишни кафолатлайди, демакки, уларнинг самарали ижроси таъминланади.

“Олтин мерос” ва шунингдек, миллий маданий марказлар муҳим ҳисса қўшмоқда. Шакшубҳасиз, қонунчиликда ижтимоий шериклик механизмининг белгилаб қўйилиши бу йўналишдаги ишларни янада юқори даражада давом эттиришга хизмат қилади. Муҳими, бу партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларига тўла мос келади.

**А. ЮНУСОВА,**
**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасида давлат ва жамиятнинг ўзаро конструктив мулоқоти ҳамда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш кафолатлари белгилаб қўйилгани келишилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, ижтимоий аҳамиятга молик қарорлар қабул қилинишида ҳамда қонунлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда аҳолининг турли қатламлари манфаатлари ва эҳтиёжларини самарали аниқлашга кўмак беради. Бундай ҳамкорлик ижтимоий сиёсатнинг аниқ мақсадга қаратилганини, давлат

**К. ҲАМИДОВА,**
**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— “Адолат” СДП фракцияси аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳаси демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, ислоҳотлар жараёнида фуқаролик институтларининг масъулиятини янада оширишга имкон яратади.

Демократик ўзгаришларнинг асосий муҳим шарти аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ҳисобланади. Қонун лойиҳасида ушбу йўналиш ижтимоий шерикликнинг яна бир муҳим асоси сифатида ифода этилаётгани диққатга сазовордир. Шунингдек, давлат органларининг ННТ билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, уларнинг ижтимоий соҳадаги муаммоларни биргаликда ҳал этишдаги иштирокининг шакл ва усуллари ҳам аниқлаштирилмоқда. Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга, айниқса, бу борада катта роль ўйнайдиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамда жойларда ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳузурида ташкил этиладиган жамоатчилик комиссияларига асосий эътибор қаратилади.

**О. АБДУҒАНИЕВ,**
**Ўзбекистон экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи аъзоси:**

— Мазкур қонун лойиҳаси давлат органларининг ННТ билан самарали ҳамкорлиги бўйича мавжуд амалиётни умумлаштириш асосида ишлаб чиқилган. Ўз навбатида, биз ижтимоий шерикликни экологик муаммоларни ҳал этиш, атроф-муҳитни асраш, давлат идоралари, корхоналар, ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари саъй-ҳаракатини бирлаштиришда муайян тажрибага эгамиз. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мазкур соҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш тизимини мустаҳкамлайди. Энг муҳими, у ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда, жумладан, атроф-муҳитни асраш, ҳудудларни ободонлаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли турли қатламлари, фаол фуқаролар онгида ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини шакллантиришда янада кўпроқ ижобий шарт-шароитларни яратади.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАЙДОНИ



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

*Президент соврини учун “Ташаббус — 2014” республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари жойларда юқори савия ва ишчан кайфиятда ўтказилмоқда. Юртимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар кўргазмаси кичик бизнес субъектлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш имконини бераётгани, айниқса, қувонарлидир.*

## «ТАШАББУС — 2014»

**БУХОРО.** Синтетик калава ип ишлаб чиқариш “Shaxboz-Shaxrom” хусусий фирмаси иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ўтган йили амалдаги имтиёзлар туфайли унинг ихтиёрида қолган уч миллиард сўм маблағ эса янги бино қурилиши ҳамда илғор технологик ускуналар харидига сарфланди. Айни пайтда бу ерда замонавий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ана шундай ибратли ишлари учун ушбу корхона раҳбари Муҳаббат Тешаева “Ташаббус” кўрик-танловининг вилоят босқичида “Энг яхши тадбиркор” номинациясида ғолиб бўлди. Шунингдек, Қоракўл туманидаги “Мўйначи ҳунарманд” фермер хўжалиги раҳбари Аҳрор Йўлдошев “Энг яхши фермер” йўналишида, Бухоро шаҳрилик кандакор уста Шавкат Ғуломов эса “Энг яхши ҳунарманд” сифатида эътироф этилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Мукимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

**ФАРҒОНА.** “Ташаббус” кўрик-танловининг нуфузи йил сайин ошиб, унда иштирок этувчилар сони ҳам тобора кўпаймоқда. Бу сафар унинг шаҳар ва туман босқичларида 550 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар қамраб олингани, улар орасидан сараланган 55 таси вилоят босқичида ўзаро беллашгани ана шундан далолат беради.

Ғолиблик эса “Энг яхши тадбиркор” номинациясида Қўштепа туманидаги “Исмоилжон гиламлари” хусусий корхонаси раҳбари Иброҳимжон Султонов, “Энг яхши фермер” номинациясида Қува туманидаги “Роҳатой” фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев, “Энг яхши ҳунарманд” номинациясида риштонлик кулол Усмонали Тошпўлатовга насиб этди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРХОНДАРЁ.** Термиз шаҳрида бўлиб ўтган “Ташаббус — 2014” кўрик-танловининг вилоят босқичи қатнашчилари ўзлари ишлаб чиқараётган сара маҳсулотлар билан қатнашди. Таклиф этилган ранг-баранг маҳсулотларнинг деярли барчаси импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп эканлиги билан эътирофга лойиқдир. Шу боис ғолиблар номини аниқлаш осон кечмади.

Якунда Денов туманидаги “Само юлдузи Денов” хусусий корхонаси раҳбари Усмонали Абдувоитов “Энг яхши тадбиркор”, Жарқўрғон туманидаги “Боғи Аббос” фермер хўжалиги раҳбари Юсуф Раҳмонов “Энг яхши фермер”, Сариосиё туманилик якка тартибдаги тадбиркор Баҳриддин Пардаев “Энг яхши ҳунарманд” йўналишларида биринчи ўринга сазовор бўлди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ҚАШҚАДАРЁ.** Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган кўрик-танлов кўплаб янги истеъдодларни кашф этди. Уларнинг тадбиркорлик, фермерлик ва ҳунармандчилик соҳаларида тўплаган бой тажрибалари, экспорт амалиётини йўлга қўйиш, аҳоли бандлиги ва ҳудудларни ободонлаштиришга қўшаётган ҳиссаси юқори баҳоланди.

Танлов натижаларига кўра, “Энг яхши тадбиркор” йўналишида Китоб туманидаги “Yangi zamon ne`mati” масъулияти чекланган жамияти раиси Олим Эшматов, “Энг яхши фермер” йўналишида Қарши туманидаги “Абдуолимов Темур Баҳодирович” фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Темиров, “Энг яхши ҳунарманд” йўналиши бўйича эса ғузорлик заргар Шарифжон Раупов ғолибликни қўлга киритди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бунёдкорлик, эзгулик ва аҳиллик тимсоли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиздаги барча ташкилот, муассаса, корхона ва маҳаллаларда уюшқоқлик билан ташкил этилган ҳашарда 12 миллион нафардан зиёд юртдошларимиз, шу жумладан, 8 миллион нафардан ортиқ ёшлар фаол қатнашди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 28 минг гектардан ошиқ майдон ободонлаштирилди, 19 минг километрлик ариқ-зовурлар тозаланди, 9 мингдан ортиқ зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди. Маҳаллалар ички йўллари, кўчалар, йиғинлар бинолари ҳамда гузарлар атрофларига 9 миллионга яқин манзарали, 7 миллиондан зиёд мевали дарахт ниҳоллари ва 10 миллиондан кўп гул кўчатлари ўтқазилди.

— Соғлом бола йилида биринчи марта ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бажарилди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Г. Алимова. — Жумладан, ҳашар куни маҳаллаларда 100 га яқин ижтимоий объектлар, шундан 66 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 15 та ишлаб чиқариш цехи, 2 та маҳалла гузари, 9 та болалар спорт майдончаси ишга туширилди. Фарғона шаҳридаги “Шакарқишлоқ”, “Симтепа”, Улуғнордаги “Ўзбекистон”, Шаҳрихон туманидаги “Карнайчи”, Термиз туманидаги “Янги ҳаёт”, Жиззах шаҳрида жойлашган Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ва Қўштепа туманидаги “Ободлик” қишлоқ фуқаролар йиғинида фойдаланишга топширилган маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ана шулар жумласидандир.

Яна бир мисол. Қарши туманидаги Кахлак маҳалласи ҳудудида миллий ширинлик ва пишириқлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган цех, Муборак тумани “Муборак” қишлоқ фуқаролар йиғинида эса автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси фаолият бошлаши ҳисобига 15 нафарга яқин ёшлар доимий иш ўринларига эга бўлди.

Албатта, умумхалқ хайрия ҳашари доирасида фойдаланишга топширилган ижтимоий объектлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳашарда “Соғлом бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган устувор вазифалар, хусусан, эҳтиёжманд фуқаролар, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг, кекса ва ногиронлар, ёлғиз қарияларнинг 310 минг квадрат метрдан ортиқ ҳажмдаги уй-жойлари таъмирлаб берилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг уй-жойларини таъмирлаш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жами 3,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Умуман, умумхалқ хайрия ҳашарида улкан ишлар амалга оширилди ва эътиборлиси, ушбу хайрли юмушлар бутун йил мобайнида изчиллик билан давом эттирилади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## АНЖУМАН

*Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаси — қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли мамлакатимизда нафақат маҳсулот етиштириш, балки уларни саноат усулида чуқур қайта ишлаш ҳажми ҳам тобора ошиб бораяпти.*

# Инвестициялар — агробизнес ривожига

Бунда ички ва ташқи инвестициялар жалб этилиб, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳалари имтиёзли равишда молиялаштирилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Бу борадаги ишларни жорий йилда янада кенгайтириш кўзда тутилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Фермерлари кенгашида тақдимоти бўлиб ўтган “Минтақавий инвестициялар — мамлакат рақобатбардошлиги асоси” лойиҳаси ҳам республикамизнинг чекка ҳудудларида агробизнесни ривожлантиришга қаратилгани билан диққатга сазовор. У икки йилга мўлжалланган бўлиб, Европа Иттифоқининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

— Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад иқтисодиётнинг инвестиция талаб қиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини кенгайтириш орқали аҳоли бандлигини оширишдан иборат, — дейди лойиҳанинг юртимиздаги мувофиқлаштирувчиси Дилдора Тожибоева. — Бунинг учун 418,6 минг евро миқдорида маблағ жалб этилади. У Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида кўплаб кичик корхоналар ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш тадбирларига сарфланади.

Молиявий ресурсларни йўналтиришда, аввало, қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш субъектлари, шунингдек, касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларнинг бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилади. Бу жараёнда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати каби бир қатор ҳамкор ташкилотлар яқиндан кўмаклашади.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «НАВРЎЗНИ ЯНГИ УЙДА КУТИБ ОЛАМИЗ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам бу борадаги яна бир эзгу мезон бўлди.

Мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг ижроси сифатида Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент “Нефтгаз қурилиш” масъулияти чекланган жамияти томонидан қайта реконструкция қилиниб, “Камолот” ЁИҲ фаолларига имтиёзли ипотека кредитлари асосида тақдим этилган ушбу уйларда барча қулайлик мавжуд. Хонадонлар табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, электр энергияси билан таъминланган.



*Каримбой ота ва Норпошша ая янги уй билан набираларини қутлагани келишди.*

Янги уй эгаларидан бири — Камолиддин Тожибоев “Ўзбеккўмир” очиқ акциядорлик жамиятида ишчи-ходим бўлиб ишлайди. Шунингдек, у “Камолот” ЁИҲнинг бошланғич ташкилоти фаоли ҳамдир. Турмуш ўртоғи Нодира эса тикувчи.

— Яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз арафасида кенг ва ёруғ, уч хонали, замонавий уй-жойга кўчиб кираётганимиз оиламиз учун бамисоли чинакам байрам совғаси бўлди, — дейди Камолиддин. — Биз, ёшларга қаратилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар)**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Бош прокуратура, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги юридик коллежлар ҳамда Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицей ўқувчилари билан учрашув ташкил этилди.*

## ТАДБИР

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижроси доирасида ўтказилди. Унда мазкур коллежлар ва академик лицей раҳбарлари, мураббийлар, прокуратура, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Тошкент давлат юридик университети масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашув “Юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш — давр талаби” мавзуида ўтказилиб, ўқувчиларга ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари, айниқса, мамлакатда юридик таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида атрофлича тушунтириш берилди. Юртимизда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Хусусан, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларида ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатлари ҳар томонлама кафолатлангани, бу борада вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши қайд этилди.

Ўқувчиларга прокуратура органларининг фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Ёшлар Бош прокуратура музейи ва спорт мажмуасини томоша қилишди. Учрашув иштирокчилари Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Учрашувда барча саволларга атрофлича жавоб берилди. Тадбир якунида энг фаол ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Бош прокуратура матбуот хизмати.**

ALOQABANK

*Юртимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришда банк тизимининг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта. Зеро, Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида алоҳида таъкидлаганидек, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.*

— Давлатимиз томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда ички бозорни тўлдириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди банк филиали раҳбари Марат Чагаев. — Бу хайрли тадбирга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишга интилаяпмиз. Ўтган йили озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга бир миллиард 724 миллион сўмлик кредитлар ажратдик. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга йўналтирган кредитларимиз миқдори ҳам 2013 йилда аввалги йилдагига нисбатан 2 баробар ортиб, 4 миллиард 542 миллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини замонавий талаблар даражасига олиб чиқишда банк кўмаги сезиларли даражада ошди.

# Устувор мақсадлар ва истиқболли лойиҳалар

Шу ўринда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар ҳажмини оширишда ОАТ "Алоқабанк"нинг Фарғона вилояти филиалида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини айтиш зарур. Биргина ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес субъектларига 25 миллиард сўмга яқин кредитлар ажратилгани бунинг яққол далилидир.

— Мазкур банкка мижоз бўлганимиздан сўнг ишларимиз юришиб, фаолиятимиз кенгайди, — дейди Фарғона шаҳридаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Hamza expo art tekstil" хусусий корхонаси раҳбари Ғайратжон Қосимов. — Корхонамиз Фарғона вилоятининг 2013 — 2015 йилларда саноат салоҳиятини ошириш дастурига киритилган эди. Ушбу дастур доирасида бизга 850 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Шу маблағ эвазига тўқимачилик саноати ривожланган бир қатор давлатлардан ип йигирув дастгоҳлари келтириб ўрнатганимиздан сўнг 60 киши иш билан таъминланди. Айни пайтда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган калава ипларга хорижликлардан кўплаб буюртмалар тушаяпти.

— Енгил саноат корхоналарида полиэфир толасига талаб катта, — дейди Фарғона шаҳридаги "Eko-plastex" масъулияти чекланган жамияти раиси Бахтиёржон Султонов. — Шу юзасидан банкка мурожаат қилдик. Тез орада ОАТ "Алоқабанк"нинг Фарғона вилояти филиали томонидан 153 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Айни чоғда лойиҳани амалга ошириб, полиэфир толаси ишлаб чиқаришни ўзлаштираяпмиз. Шу билан бирга, ушбу хом ашёдан полиэтилен маҳсулотлари тайёрлаш ниятимиз ҳам бор. Муҳими, маҳсулот сифати сезиларли даражада яхшиланади. Яратилган 10 та иш ўрнига коллеж битирувчиларини қабул қилдик.

Мазкур молия муассасаси томонидан ажратилган кредитларнинг 87 фоизи узоқ муддатли сармоялар эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар ҳисобидан 300 дан зиёд иш ўринлари ташкил этилгани эса алоҳида эътиборга молик.

**Ўтган йили банкнинг ушбу филиали томонидан тадбиркорлар ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган микрокредитлар миқдори**

**2 миллиард**

**сўмдан зиёдни ташкил этди. Бу 2012 йилдагига нисбатан 257 миллион сўм кўпдир.**

Кейинги йилларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас. Ўтган йили ана шу мақсадлар учун 876 миллион сўмлик кредитлар йўналтирилиб, кўплаб тадбиркорлик субъектлари ишга туширилди. Хусусан, Наргизахон Худойбердиева раҳбарлик қилаётган "Водий барака Беҳзод" хусусий корхонасида бир неча турдаги нон маҳсулотлари тайёрланиб, савдо шохобчалари ва буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Мазкур лойиҳани амалга оширишда банк томонидан ажратилган 50 миллион сўм қўл келди. Зулфияхон Исломбекова етакчилик қилаётган "Давр" ишлаб чиқариш фирмасига эса мазкур банк томонидан 100 миллион сўм кредит ажратилди.

